

## INDEPENDENT LEARNING: PROBLEMS, SOLUTIONS AND FUTURE

Abdalova Sayara Rustamovna,  
ChDPI Ph.D., Associate Professor  
abdalovasayora @ gmail

### ABSTARCT

This article discusses the problems in the field of independent education, their solutions and prospects, including the formation of skills and abilities of students by improving the quality of independent education, the organization of teaching in independent education on the basis of combining labor with production, the essence, factors, conditions of independent education. the organizational method, form, and means of this activity, pedagogical technologies, etc.

**Keywords and phrases:** independent learning, problem, perspective, quality of education, skill, ability, production, labor, essence, factor, condition, method, form, tool, pedagogical technology, independence, creativity, initiative, entrepreneurship, logic thinking, operation, analysis, comparison, comparison, classification, generalization, inference, implementation a others.

Сўнги йилларда республикамиз таълим муассасаларида мустақил таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мустақил таълимнинг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, мустақил таълим машғулотларини таълим олувчиларнинг касбий сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик)ни ҳамда мантиқий фикрлаш операциялари (таҳлил, солиштириш, таққослаш, классификациялаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, амалиётга жорий этиш каби)ни ривожлантиришга йўналтирган ҳолда ташкил этиш, бу соҳада таълим муассасаларининг педагоглари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим олувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва Қарорлари, "Таълим тўғрисида"ги Қонун" ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив ҳужжатларда олий таълим муассасаларида мустақил таълимни такомиллаштиришга йўналтирилган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган [1, 2, 3].

Ушбу долзарб вазифаларни амалга ошириш орқали малакали мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасаларида мустақил таълимга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган замонавий технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Мустақил таълимни ташкил этишда бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Улар мустақил таълимни давр талаблари асосида ташкил этиш, самарадорлигини ошириш каби муҳим муаммони илмий жиҳатдан ҳал қилишдир. Мустақил таълим самарадорлигини ошириш соҳасидаги муаммоларнинг кўламини аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни ўрганиш, таҳлил этиш бу вазифаларни ечиш йўллари кўрсатишни тақозо

қилмоқда. Шу мақсадда мустақил таълим мазмунини белгилаш, унинг самарадорлигини ошириш муаммоси фанларда қай даражада ечилганлигини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- мустақил таълимни ташкил этиш, таълим олувчида мустақил фикрлаш, ижодий қобилият, малака ва кўникмаларни шакллантириш;

- мустақил таълим жараёнига илғор технологиялар ҳамда фан-техника ютуқларини самарали татбиқ этиш, натижалари мониторинги, сифатини таъминлаш, самарадорлигини ошириш йўллари, шарт-шароитлари, омиллари ҳамда бу жараённи ривожлантиришга хизмат қиладиган фаолият шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдаланишда муҳим ўрин тутадиган педагогик маҳорат, уни таркиб топтириш механизмлари хусусида маълумот берадиган манбалар билан танишиш:

- мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг мавжуд шарт-шароитларини ёритиш, мустақил таълимни ташкил этишга қаратилган фаолиятнинг ташкилий-услубий шакллари, метод ва воситалари моҳиятини очиб беришга қаратиш.

- мустақил таълимни мужассам тарзда ташкил этиш, ушбу фаолиятни амалга оширишга малакали, чуқур билим ва ҳаётий тажрибасига педагогларни жалб этиш, бу жараёнда назария ва амалиёт бирлигининг қарор топишига эришиш.

Мустақил таълим самарадорлигини ошириш йўлидаги қатор муаммолар - мустақил таълим мазмунини белгилаб берувчи дастур ва дарсликларнинг мавжуд эмаслиги, педагогларнинг чуқур билим ҳамда педагогик маҳоратга эга эмасликлари, таълим олувчиларда мустақил билимларни эгаллашга бўлган эътиборнинг қарор топмаганлиги, мустақил фаолликнинг шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Уларни бартараф этиш учун мустақил таълим жараёнини лойиҳалаш ва ўтказишга етарли эътибор бериш лозим, жумладан: мустақил таълимнинг асосий турларига илмий жиҳатдан ёндашиш, унинг шаклларини ва уларнинг ҳажмини ўрганиш масалаларига педагоглар томонидан эътиборни ошириш, мустақил таълимни тўғри ҳамда самарали режалаштиришда маълум бир тизимни яратиш, таълим олувчиларни кўпроқ муаммоли илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш ҳамда мустақил таълим шакллари самарадорлигини оширадиган бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда жорий қилиш.

Таълим олувчиларнинг мустақил равишда ўзлаштирадиган билим, малака ва кўникмалари босқичдан босқичга мураккаблашиб, кенгайиб, бу ишда уларнинг ташаббускорлиги ҳамда роли ошиб боради. Яъни мустақил таълимга кўника бошлаган таълим олувчи фақат педагог томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Мустақил таълим сифатини яхшилаш орқали таълим олувчиларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш эски методларни янгилари билан алмаштиришни, билим ва кузатувчанликни талаб этади. Мустақил таълим машғулотида педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаши, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда муҳимдир. Мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятга эга таълим олувчи муаммолар ечимини топа олади.

Мустақил таълимни самарали ташкил этишда қуйидагилар муҳим саналади: мустақил таълимни ташкил этишни жадаллаштириш, унинг мазмуни ва самарадорлигини ошириш, педагогик технологиялар ютуқларидан фойдаланиш; унинг сифатини ошириш, мазмуни, метод, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш; машғулот



лойиҳасини ишлаб чиқиш, муаммоли топшириқларни тузиш, услубий тавсия ва кўрсатмаларни тайёрлаш; педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий қобилият ва касбий кўникмаларни ривожлантириш.

Мустақил ўқув фаолиятларини ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, педагогнинг педагогик илмий малакасига, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини самарали ташкил этишига боғлиқ [4].

Мустақил таълимни назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш билим ва маҳоратни талаб этади. Таълим олувчилар ўқув материалларидан муҳимини ажратиб олиш, далилларни тўғри баҳолаш, таҳлил қилиш, амалиётда қўллаш олишга ўргатилса, мустақил таълим самарали бўлади. Мустақил таълим билиш, тафаккур юритиш жараёнларини ўзида мужассамлаштиради. У таълим олувчини ҳаётга, меҳнат қилишга тайёрлаш йўлларида биридир [5]. Пухта ўйланган ва илмий асосланган мустақил таълим жараёнида уларнинг ўқиш-ўрганиш фаолияти кескин фаоллашади, билимга интилиши кучаяди, мустақил ўқув фаолияти ривожланади [6].

Мустақил таълимда ўқитишни ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида ташкил этиш, олган назарий билимларни мустақамлаш, таълим олишнинг илғор усулларини эгаллаш, мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятни ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш лозим. Мазкур масалаларни илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш, етарли шарт-шароитлар яратиш, мустақил таълимни ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, ўқув-методик адабиётлар, қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш муҳим долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мазкур ишларда мустақил таълим моҳияти, омиллари, шарт-шароитлари, таълим олувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган фаолиятнинг ташкилий метод, шакл, ва воситаларига, педагогик технологияларга эътибор қаратилади. Улар таълим олувчининг ижодий фикрлашини узлуксиз шакллантириб боровчи ва қобилиятини ривожлантирувчи технологиядир [7, 8]. Педагогик технологиялар янгилиги билан таълим олувчининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилади, уларни фаоллаштиради. Бунда таълим олувчи таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, муаммоларни ҳал этиш, хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш, натижани баҳолаш ишларини амалга оширади. Мустақил таълим фаолиятини ташкил этишда уни ўқув-услубий мажмуалар билан таъминлаш ва уларнинг мустақиллигини оширишга аҳамият берилиши лозим [9].

Мустақил таълимдаги номутаносибликни ҳал этиш орқали ўзлаштирилган билимлар мустақамланади. Ҳар қандай таълимни ижодий характердаги фаолият сифатида тушунмоқ керак. Шунинг учун ҳам таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда мустақил таълимни ташкил этишда уларга назарий-амалий билим бериш, уларни қизиқишлари, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ўқитишни амалиёт билан боғлаб олиб бориш талаб қилинади. Ижод қилиш янгилик яратишдир. Ижодкорлик фаоллик ва мустақилликнинг олий кўриниши бўлиб, билимни, кузатувчанликни, тажрибалар ўтказишни талаб этади [10].

Мустақил таълимда ишлари ўқув фаолиятини ривожлантиришда муҳим. Биринчидан, таълим олувчиларнинг ўтказишга алоҳида вақт ажратилишига ҳожат йўқ. Иккинчидан, дидактиканинг асосий тамойилларига мувофиқ ташкил этилиши таълим олувчиларнинг



фаоллиги ва мустақиллигини оширади, мустақил ишлаш кўникмасини шакллантиради. Учинчидан, мустақил ўқув-тадқиқот ишлари ҳар бир таълим олувчига алоҳида ёндашилган ҳолда ижодий изланиш фаолиятига жалб қилиш имконини беради [11].

Мустақил таълимни ташкил этишда таълим олувчининг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлашга қаратилган ташкилотчилик фаолияти ҳам ҳисобга олинади. Бўлажак мутахассис кўйидаги муҳим вазифаларни бажариши лозим: мустақил таълим жараёнини лойиҳалаш, натижаларни башорат қилиш, муаммоларни ҳал этиш, техника ва технология соҳасидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш, билими, ижодий қобилияти, кўникма ва малакаларни ривожлантириш. Таълим олувчилар мустақил таълим даврида мазкур вазифаларни амалга оширишда педагогика, педагогик маҳорат, педагогик технологиялар, психология фанлари бўйича олган билимларини амалиётда қўллаши орқали касбий фаолиятга тайёр эканликларини намоён эта олиш имкониятига эга бўладилар.

Мустақил таълимни ташкил этишда таълим олувчининг ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг кўйидаги шаклларида фойдаланилади: мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, мавзу бўйича реферат тайёрлаш, семинар ва амалий машғулот, лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш, ҳисоб-график, курс ишини бажариш, малакавий битирув ишини тайёрлаш, назарий билимларни амалиётда қўллаш, амалиётдаги муаммолар ечимини топиш, макет, намуналар яратиш, илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш [12].

Мустақил таълимни ташкил этишнинг муҳим механизмларидан бири компьютер технологияларидир. Компьютер билимларни мустақил эгаллаш ва масалаларни ҳал этишга имкон беради, таълим олувчининг тайёргарлик даражасини баҳолайди, вазифаларни танлайди, вазифани ҳал этишда ахборот ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга оширади, уларнинг жавобини қабул қилади, таҳлил этади ва баҳолайди.

Шундай қилиб, бугунги кунда мустақил таълимнинг салмоғи ортиб бормоқда. У таълим олувчининг турли фаолиятининг ажралмас қисмига айланмоқда. Матнли ахборотни намоён этувчи мустақил таълимдан комплекс ахборотларга (матнли, графикли, аудиовизуал) эга бўлишни таъминловчи мустақил таълимга ўтилмоқда. Янги ахборот воситалари илмий, таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий соҳалардаги мустақил таълим жараёнини фаоллаштиради. Мустақил таълимнинг ривожланиши билим, малака ва кўникмаларга, компетенцияларга эга бўлишнинг асосий механизмларидан бири.

## **Фойданилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон)



- 3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун”. ЎРҚ-637-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон).
4. Мавлянов А., ва б.қ. Таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш//Таълим муаммолари. -Тошкент, 2008. -№3. -Б.120-122.
5. Абдалова С. Талабанинг ўқув фаолиятида мустақил ишнинг ўрни ва аҳамияти// Таълим муаммолари. -Тошкент, 2008.-№1.-Б.70-71.
6. Граф В. Ильясов Н.Н., Ляудис В.А. Основы самоорганизации учебной деятельности и самостоятельная работа студентов. -М.: Изд. МГУ. 1998.-140 с.
7. Бордовский Г.А. Извозчиков В.А. Новые технологии обучения: Вопросы терминологии// Педагогика, -М.: 1993. -№5. -С. 120.
8. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.- М.: ИРПО. 1996.-С.336.
9. Мавлянов А., Жавлонов Ш., Абдалова С., Юсупова Л. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. Ўқув-услубий қўлланма. -Тошкент: Ворис нашриёти, 2010. -117 б.
10. Болтаева М. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш // Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-давр талаби/ НамДУ илмий услубий мақолалар тўплами. - Наманган. 2000. –Б.45-47.
11. Қўйсинов О.А. Мустақил таълим олиш жараёнида талабаларнинг ижодий тафаккурларини шакллантириш// Таълим жараёнида мустақил тафаккур ривожланиши муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент: ТДПУ, 2005. - Б.98-99.
12. Қўйсинов О.А. Талабаларнинг мустақил билим олиш маҳорати даражаларини аниқлаш омиллари// Таълим технологиялари. -Тошкент, 2005.-№2.-Б.21-23.